



## ДАВЛАТ СЕКТОРИДА ИЧКИ АУДИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Мухамедов Санжар Толибович,**

*Солиқ кўмитаси ҳузуридаги Фискал институт*

**Аннотация.** Ушбу мақолада давлат секторида ички аудитни такомиллаштириш масалалари ёритилган. Ички аудитни ташкил этишда хориж тажрибасидан фойдаланиш таклифи берилган.

**Калит сўзлар:** аудит, аудиторлик фаолияти, рақамли аудит, ички аудит, аудиторлик хизмати.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА В ГОСУДАРСТВЕННОМ СЕКТОРЕ

**Мухамедов Санжар Талибович**

*Фискальный институт при Налоговом комитете*

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы совершенствования внутреннего аудита в государственном секторе. Предлагается использовать зарубежный опыт организации внутреннего аудита.

**Ключевые слова:** аудит, аудиторская деятельность, цифровой аудит, внутренний аудит, аудиторские услуги.

## IMPROVEMENT OF INTERNAL AUDIT IN THE PUBLIC SECTOR

**Muhamedov Sanjar Talibovich**

*Fiscal Institute under the Tax Committee*

**Abstract.** This article covers the issues of improving internal audit in the public sector. It is proposed to use foreign experience in the organization of internal audit.

**Keywords:** audit, audit activity, digital audit, internal audit, audit service.

### **Кириш.**

Давлат секторида аудитни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сон қарори муҳим бўлиб, унда вазирлик ва идоралар ички аудит хизматларини ташкил этишнинг асосий йўналишлар белгиланди. Бунда асосан вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг фаолиятида масофавий аудитни кенг қўламда қўллаш орқали ички аудит тадбирлари самарадорлигини ошириш кўзда тутилган (Қарор, 2022).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисида намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 416-сон қарорига асосан “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ” тасдиқланди (Қарор, 2022). Ушбу низомга мувофиқ вазирлик ва идоралар ички аудит хизматининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби белгилаб берилди.

### Адабиётлар шарҳи.

Давлат секторида аудитнинг моҳияти ва вазифалари тўғрисида иқтисодчиларнинг фикрларини келтириб ўтамиз.

Рогулenco, Пономаревой, Бодяколарнинг (2019) фикрича: Давлат секторида аудит-бу барча манфаатдор томонларга иқтисодий ҳодисалар тўғрисида мустақил ва объектив маълумотларни тақдим этишдан иборат бўлган фаолиятдир. Бу иқтисодий ривожланиш жараёнларига самарали таъсир кўрсатишга қодир бўлган иқтисодиётни ривожлантиришнинг универсал воситасидир.

Казакованинг (2019) эътироф этишича, давлат секторида аудитнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: бюджет маблағларини тақсимланишининг объективлигини ўрганиш; бюджет маблағларидан фойдаланишнинг натижавийлигини текшириш; бюджет маблағларидан мақсадли ва тўғри фойдаланишни аудиторлик текширувидан ўтказиш; маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш; тегишли органларга текшириш натижаси бўйича ахборот ва ҳисоботлар тайёрлаб бериш.

Илхамовнинг (2019) таъкидланишича, ички аудит назорати (ўз-ўзини назорат қилиш) шакли АҚШда ўтган, XX - асрнинг 30- йилларида юзага келиб, кейинчалик Ғарбий Европа ва Японияга тарқалган.

Нгуен Тхи Вьет Ленинг (2016) фикрича, ички аудит – бу ташкилотда унинг мулкдорлари ва юқори раҳбарият манфаатларини кўзлаб амалга ошириладиган, ташкилот фаолиятини яхшилаш учун асосий бизнес рискларини тўғри бошқариш асосида объектив кафолатлар ва маслаҳатлар берадиган мустақил фаолият.

Сонин (2022) ички аудит бўйича қуйидаги фикрни билдирган: Халқаро ички аудиторлар институти (The Institute of Internal Auditors) таърифига кўра, ички аудит - бу ташкилот фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган мустақил ва объектив кафолатлар ва маслаҳатлар бериш фаолияти.

Аҳмаджоновнинг (2016) таъкидлашича, ички аудит – хўжалик юритувчи субъектларга рискларни бошқариш, назорат қилиш ва корпоратив бошқарув тизимига мақбул ёндашув асосида қўйилган мақсадларга эришишда ёрдам берувчи, молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган объектив кафолат ва маслаҳатлар берувчи мустақил тизим бухгалтерия маълумотларининг тўғри бўлишини таъминлаш ва корхонада самарали ички назорат тизимини ташкил этишга йўналтирилган фаолият.

Меҳмонов (2018) эса бюджет ташкилотларида ички аудитга қуйидагича таъриф берган: “ Ички аудит – ташкилот томонидан сметаларни тузиш ҳамда ижросини амалга оширишни қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш йўли билан назорат қилиш, молиявий ҳисобот маълумотларини ишончилигини таъминлаш, бюджет – смета интизомига риоя қилиш, маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишга йўналтирилган фаолиятдир”.

Абдиевани (2022) ёзишича, АХС орасида қуйидаги стандартлар бевосита ички аудит иш сифатини таъминлаш ва уни оширишга қаратилган стандартлар сифатида акс этади: АХС 220- Молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда сифат назорати (Quality Management for an Audit of Financial Statements) 2 Ўрганилган маълумотлар асосида

муаллиф томонидан тузилди. АХС 610-Ички аудиторлар ишидан фойдаланиш (Using the Work of Internal Auditors).

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот жараёнида давлат секторида ички аудитни такомиллаштириш билан боғлиқ кўплаб илмий нашрлар талқин қилинди, илмий тадқиқотларга таянган ҳолда мантикий фикрлаш, таққослаш, тизимли ёндашув усулларида фойдаланилган. Мавзу бўйича мавжуд адабиётларни ўрганиш асосида тегишли хулосалар қилинган ва тавсиялар берилган.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли Қарорини ижросини таъминлаш мақсадида ишлар амалга оширилмоқда (Қарор, 2020).

Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сонли қонуннинг 31-моддасида аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувлари ва турдош хизматлари туридаги аудиторлик хизматларини кўрсатади деб белгилаб қўйилган (Қонун, 2020).

Давлат секторига ички назорат ва ички аудит тизимини жорий этиш орқали давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини ошириш, бюджет қонунчилиги бузилишининг профилактикасини кучайтириш ва масофавий аудитни кенгайтириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Бу борада, вазирлик ва идораларда ташкил этилган ички аудит хизматлари фаолиятини услубий таъминлаш ҳамда ички аудит фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида йўлга қўйиш мақсадида тегишли қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Бунда асосан вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг фаолиятида масофавий аудитни кенг қўламда қўллаш орқали ички аудит тадбирлари самарадорлигини оширишга эътибор қаратилди.

Хорижий мамлакатларда давлат секторида ички аудитни ташкил этиш ва методологик таъминотида асосий ўринни Молия вазирлиги эгаллаган. Жумладан, Францияда Давлат молиявий назоратини ўрнатишда ички аудитнинг ролини кучайтириш мақсадида “Ички аудитни гармонизациялаш бўйича марказий қўмитаси (СНАИ)”, Украинада эса Давлат аудиторлик хизмати департаменти ташкил қилинган. Францияда давлат бюджетидан молиялаштириладиган вазирликларда ички аудит қўмиталари, Украинада эса ички аудит бўлимлари фаолият кўрсатмоқда

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 3 октябрдаги 52-сон буйруғи билан “Ички аудит миллий стандартлари” тасдиқланди (Буйруқ, 2022). Ички аудит миллий стандартларида ички аудит тадбирлари қуйидаги мақсадларда ўтказилиши белгилаб берилган: бюджет интизомини мустаҳкамлаш; бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари профилактикасини амалга ошириш; бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш.

Халқаро аудит стандартлари аудитнинг умумий тамойилларини ва ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектлар учун аудиторлик билан боғлиқ хизматларни кўрсатишни тартибга солиди ва натижада улар давлат сектори субъектларининг аудитида қўлланилади.

Давлат секторида ички аудитни такомиллаштириш йўналишларидан бири бўлган “Давлат аудити” дастурий комплексини жорий этиш орқали молиявий назорат натижавийлигини оширишга эришиш. “Давлат аудити” дастурий комплексини ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали молиявий назорат натижавийлигини ошириш бўйича таклиф берилган.

“Давлат аудити” дастурий комплексини молиявий назоратни такомиллаштириш борасидаги меъерий хужжатларга киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. “Давлат аудити” дастурий комплекси амалиётга жорий этилди. Давлат аудити” дастурий комплексида амалга оширилиши натижасида: молиявий назорат органларининг йиллик иш режалари автоматик равишда мувофиқлашади; давлат ташкилотларида ўтказилган текширишлар ҳисобини юритиш таъминланади; назорат тадбирлари электрон буйруқ асосида ўтказилади; текширишлар натижасида аниқланган қонунбузилишларнинг ягона базаси яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ички аудит бўлими ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан тасдиқланган иш режасига биноан, 2022 йил давомида бюджет қонунчилигига риоя этилиши юзасидан 422-та ташкилот ва муассасаларда мониторинг ишлари олиб борилди ва 28 384,0 млн.сўмлик молиявий хато-камчиликлар аниқланди, шундан камомад ва ўзлаштиришлар 2179,3 млн.сўм, ўғирлик ва ноқонуний харажатлар – 8535,8 млн.сўм, ноқонуний ва мақсадсиз харажатлар 10190,0 млн.сўмни ташкил этган.

### Хулоса ва таклифлар.

Давлат секторида ички аудитни такомиллаштириш йўналишларидан бири бўлган “Давлат аудити” дастурий комплексини жорий этиш орқали молиявий назорат натижавийлигини оширишга эришиш.

Солиқ қўмитаси ва унинг ҳудудий органларида ички аудитни ўтказиш жараёнида аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

### Адабиётлар / Литература/Reference:

Абдиева Н.Ш. (2022) Ички аудит иш сифатини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш. *Moliya va Bank ishi Jurnal* 2, 43-47

Ахмаджонов К.Б. (2016) Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ички аудит методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. – 76 б.

Буйруқ (2022) Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 3 октябрдаги 52-сон буйруғи. “Ички аудит миллий стандартлари”.

Илхамов Ш.И. (2019) Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит ва унинг самарадорлигини баҳолаш хусусиятлари. *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар* илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 1/2019 (№ 00039) [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz).

Казакова Н.А. и др. (2019) Аудит: учебник для СПО / под общ. ред. Н. А. Казаковой. — М.: Издательство Юрайт, . — 409 с.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли Қарори.

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисида намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 416-сон қарори.

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сон қарори

Қонун (2020) Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сонли қонуни 10.11.2020 й.

Меҳмононов С.У. (2018) Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент.

Нгуен Т.В.Л. (2016) Сущность и эволюция развития внутреннего аудита // Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» Том 8, №1 <http://naukovedenie.ru/PDF/31EVN116.pdf>

Розуленко Т.М., Пономаревой С.В., Бодяко А.В. (2019) Аудит внешнеэкономической деятельности: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры / Т. М. Розуленко [и др.]; под общ. ред. Т. М. Розуленко, С. В. Пономаревой, А. В. Бодяко. — М.: Издательство Юрайт, -117 с.

Сонин А. (2022) "Внутренний аудит как важнейший элемент системы управления компанией". [https://www.iaa-ru.ru/inner\\_auditor/publications/articles/vtoroy-testovyy-razdel/a-sonin-vnutrenniy-audit-kak-vazhneyshiy-element-s/](https://www.iaa-ru.ru/inner_auditor/publications/articles/vtoroy-testovyy-razdel/a-sonin-vnutrenniy-audit-kak-vazhneyshiy-element-s/). 14.10.2022.